

# Ўзбек оиласарда эгизак фарзандларни тарбиялашдаги ўзига хос психологик муаммолар

Ш.Тойирова, *Бухоро давлат университети*

**Аннотация –** Мақолада ўзбек оиласарда тарбиялангаётган эгизакларнинг ўзига хос психологик муаммолари ҳамда ота-оналари томонидан берилгаётган эътиборнинг фарзандлари тарбиясига таъсири юзасидаги фикрлар мужассамлашган.

**Калим сўзлар –** серилдизлик, сербутоклик, урф-одат анъана, монозигота, дизигота, характеристер.

## Specific psychological problems of raising twins in uzbek families

Sh.Toyirova, *Bukhara state university*

**Abstract –** The article discusses the psychological problems of the twins who are brought up in Uzbek families, and the impact of attention paid by their parents on the upbringing of their children.

**Keywords –** multi-root, fertile, tradition, monozygote, dizygote, character.

Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас кўрғон ҳисобланиб келинган. Хусусан ўзбек оиласарнинг серилдизлик, сербутоклик хусусиятлари аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам бошқа миллат кишиларида худди шундай ҳам ҳайрат, ҳам ҳурмат уйғотган хусусиятлардир. Уларда вояга етаётган фарзандлар тарбияси бобо-бувилар ҳамкорлигига амалга оширилиши ўзбек ҳалқининг урф-одат анъаналарига айланган. Оиласарнинг ўзига хос хусусияти катталар томонидан одоб-ахлоқ қоидалари асосида тарбияни йўналтириб бориш ёш оила ва уларнинг вояга етаётган фарзандлари учун тарбия мактабини яратади. Бироқ оила ота-она ва эгизак фарзандларидан ташкил топса ва уларнинг бобо бувилари бўлмаса унда уларнинг тарбияси борасидаги қийинчиликлар психологик муаммо сифатида юзага келади.

И.В.Бестужев-Лада "История твоих родителей" китобида оила мұхитида олиб бориладиган тарбиявий чоралар фарзанднинг келгусида ўз оиласини қуришига қанчалик таъсири кўрсатгани ва бунда "10 йиллик оила мактаби"нинг бола шахсида шакллантиридаган оталик ва оналик вазифалариға иммунитет хусусиятларини баён этиб беради. Оиласада ташкил этилган роллар тақсимоти туфайли шахс ўз ота-онасини

ҳамиша ибрат ва намуна ифодаси сифатида кўра олиши масалалари келтирилиб берилади.

В.В.Бойко оталик ва оналик вазифаларини бола олидида тўғри бажариш учун зарур бўлган ижтимоий-психологик жиҳатларини таҳлил этар экан, оталик ва оналик бола шахсининг тарбиясига таъсир этадиган унсурларини келтиради. Унинг бу борада маҳсус тузган "Болага нисбатан амалий муносабат", "Болага нисбатан ҳиссий муносабат" тестлари ва бир қатор психологик тавсиялари модификациялаштирилган ҳолда бошқа миллат психолог олимлари томонидан кенг қўлланилиб келинмоқдаки, бу ўз навбатида шу олим олиб борган ишининг нақадар муҳимлигини ифодалаб беради.

Оиласада ота онанинг бола тарбиясидаги вазифаларни ўз олдига режалаштириб кўйсада бироқ уларнинг ҳар бирига қандай муносабатда бўлиши лозимлиги, бирини кўнглини кўтараман деб иккинчисига эътибор бермаётганлиги хусусидаги фикрларни эшитишининг ўзида муаммо юзага келишидан далолатдир. Жамиятимизнинг аксарият эгизаги бор оиласарда мана шунга ўхшаш бир қанча мисолларни учратиб қоламиз. Психологлардан бири Галътон